

ТАЪЗИЯ ИЗҲОР ҚИЛАМИЗ



13:56 / 26.09.2020 2669

«Nilol Nashr» нашриёт-матбаа мажмуаси ҳамда Islom.uz портали жамоаси ҳофиси Қуръон қироати ва тажвид илмида моҳир қори, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан силсила бўлиб келган ўн хил қироат соҳиби, «Ал-Азҳар» жомиясининг қироат факультетини тамомлаб, ҳозирда юртимизга хизмат қилиб келаётган устоз Зайниддин қори Усмоновнинг вафотлари муносабати билан чуқур ва самимий таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло Зайниддин қорини барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, Ўзининг шомил мағфирати ва раҳматига олсин.

Ушбу мусибатзадаларга, марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз ва барча яқинларига Аллоҳ таоло гўзал сабр берсин.

Устоз Зайниддин қори Усмонов 10 хил Қуръон қироатини ватанимизга олиб келган пешқадамлардан эди.

Аллоҳ таоло марҳум Зайниддин қорини Ўз раҳматига олиб, Қуръон қориларига ваъда қилган ажру мукофотларидан баҳраманд қилиб, жаннатларига дохил айлсин!

Ушбу оғир жудолик дамларида марҳумнинг аҳли байтларига, барча яқинларига, шогирдлари, сафдошлари ва мухлисларига Аллоҳ таолодан сабру жамил тилаймиз.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз».

Islom.uz портали